

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тўлов интизоми – ҳар бир давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллардандир. Бунга ҳар бир фуқаро ва юридик шахснинг солиқларни, истеъмол қилинган ресурслар ҳақини ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаши киради.

«E-iro aukcion» – шаффоф тизим. Унда ноқонуний савдога, коррупцияга йўл қўйилмайди

Ушбу масалада юртимизда айрим муаммолар пайдо бўлгани, электр ва газ каби ресурслардан истеъмолчиларнинг миллиардлаб қарзи вужудга келгани сир эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилгани тўлов интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июлдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган соҳада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарор ижро иши юритиш амалга оширишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдопарининг қонунийлиги, шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлашга қаратилган. Нарх-наво манипуляцияси ва бошқа суиистеъмоличликларга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлашнинг замонавий механизми яратилаётгани шу мақсадга хизмат қилади.

Президент қарори асосида «E-IRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ташкил этилаётди. Мазкур майдончадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Мажбурий ижро бюроси ҳузурида «Электрон онлайн-аукционлар»

ни ташкил этиш маркази» ДУК ташкил этилди. Марказ зарур моддий-техника воситалари билан таъминланди ҳамда юқори малакали кадрлар билан тўлдирилди.

2017 йил 1 сентябрдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдолари фақатгина «E-IRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади.

Соддароқ қилиб айтганда, аҳоли ва юридик шахслар томонидан йўл қўйилган турли қарздорликлар тўланмаган тақдирда, уни мажбурий тартибда ундириш бўйича ваколатли органлар судга даъво аризаси киритади. Шу асосда суд қарздорнинг қарзини унинг мол-мулкига қаратиш ҳақида қарор чиқарса, ана шу мол-мулк давлат ижро-чилари томонидан электрон онлайн-аукционларда сотиш учун чиқарилади.

Электрон онлайн-аукционлар «E-IRO AUKSION» электрон савдо майдончасида ўтказилади. Бу майдонча интернет тармоғида Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш марказининг яқинда ишга туширилаётган e-auksion.uz веб-сайтидан жой олади. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, илгари мажбурий ундирув тартибида қарз мол-мулкка қаратилса, ана шу мол-мулк турли риэлторлик ва бошқа ихтисослашган савдо ташкилотлари орқали сотилган. Кўп ҳолларда мол-мулк савдога қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотдан кўпчилик хабардор бўлмаган, чунки бундай хабарнома-лар савдодан бир ой олдин фақат бир марта босма ОАВда чоп этилган. Бу эса айрим инсофсиз савдо ташкилотлари томонидан аукционда иштирок этувчи ха-

ридорларнинг сонини суъий равишда чеклашга, натижада мол-мулкларнинг арзон нархларда манфаатдор шахсларга сотилишига замин яратган.

Эндиликда электрон онлайн-аукционларда ҳар қандай шахсга интернет тармоғи орқали иштирок этишга имконият яратилади. Бунинг учун электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон аризани бериш ва мол-мулкнинг 5 фоизи миқдоридида закат пулини киритиш кифоя.

Бундан ташқари, бевосита аукционни ўтказиш ва ҳолибни аниқлаш жараёни махсус дастур орқали амалга оширилиб, унга ташқаридан аралашининг мутлақо имкони бўлмайди.

Савдога қўйилаётган товарга оид маълумотлар очик бўлгани ҳолда, уни харид қилувчилар шахси кўрсатилмаслиги савдонинг ҳақиқатан ҳалол ўтишини таъминлайди. Ўз навбатида, аукционга қўйилган товарнинг нархи реал талаб ва тақлиф бўйича бозор таомиллари асосида шаклланади. Бу мол-мулкни мажбурий ижрога қаратилган шахсларнинг манфаатига ҳам хизмат қилади. Чунки товар қанча юқори нархда сотилса, қарздорнинг қарзи қоплангандан қолган маблағ эгасига қайтарилиши ёки келгуси тўловларга йўналтириб берилиши мумкин.

Демак, шу йил 1 сентябрдан бошланиши кутилаётган электрон онлайн-аукционлар ўтказилиши ҳақидаги хабарнома ва лот (лот – қарздорнинг ёки учинчи шахснинг электрон онлайн-аукционда сотилаётган мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқи) тўғрисидаги маълумот электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли операторнинг веб-порталда, шунингдек,

Қўлимизда 50 минг сўмлик пул ҳам бўлади

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50 000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

ЎзР МБнинг қиймати 50 000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган. МБ сайтида банкнотнинг батафсил тавсифи ва ташқи кўриниши сурати берилган.

Регуляторнинг хабарига кўра, муомалага чиқарилаётган қиймати 50 000 сўм бўлган пул белгилари, айна пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

<http://cbu.uz/> хабари асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Бошқарувга янгича ёндашув: мамлакат секторларга бўлинди

Президентнинг 8.08.2017 йилдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарори имзоланди. Бу ҳақда давлат раҳбари сайтида хабар берилади.

Ҳужжат билан жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этишнинг бутунлай янги тизими жорий этилаётди.

Қорақалпоғистон, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудлари комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлинди. Секторларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилиқ қилади.

Секторлар раҳбарлигига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан ваколатлар берилди. Уларга худди шунинг учун жавобгарлик юклатилади.

Қуйидагилар секторлар раҳбарларининг вазифалари этиб белгиланди:

биринчидан, УЖК ва йўл ҳўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва ХУМШларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

2-бетда

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Пенсия жамғармаси доимо алоқада

7-БЕТ

Декретдан барвақт чиқилса: нафақа сақланади

8-БЕТ

Пишлоқ тайёрлашдаги ўзига хос «сирлар»

«E-i-jro auksion» – шаффоф тизим унда ноқонуний савдога, коррупцияга йўл қўйилмайди

1-бетда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий бошқармалари веб-сайтларида аукцион ўтказиш бошланишига 10 календарь кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади. Дастлабки электрон онлайн-аукцион нархни ошириб бориш, такрорийлари эса нархни тушириб бориш тамойили бўйича ўтказилади.

Мол-мулк электрон онлайн-аукционга баҳолаш қиймати бўйича қўйилади. Давлат ижрочилари электрон онлайн-аукционларда сотилмаган мол-мулкни арзонлаштиришга ҳақли эмас.

Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш марказ мол-мулкни электрон онлайн-аукционларда сотилишини ташкил этиш билан бирга, уларни реализация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатади. Фуқароларни электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек, савдога қўйилган мол-мулк ҳақида кенг хабардор қилади.

Шу билан бирга, марказ электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш учун электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларининг сертификатларини ҳам беради. Бунинг учун марказда ЭРИ бериш бўйича ҳам иш олиб борилмақда. Бу борадаги таомиллар соддалаштирилмоқда. Ҳар кунларда фуқаролар электрон мурожаат орқали ҳам ЭРИ олиши мумкин бўлади. Марказ томонидан мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Бир сўз билан айтганда, бу замонавий тизим бошқа соҳаларда бўлганидек, фақат адолат тамойили асосида иш қўйишга, юридикларимизга қулайлик яратиш, халқимиз манфаатини таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида.

Бошқарувга янгича ёндашув: мамлакат секторларга бўлинди

1-бетда **иккинчидан**, ижтимоий муҳофазанинг манзиллиги, истеъмол бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчидан, деҳқон ҳўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер ҳўжаликларига қўмаклашиш бўйича чоралар қўриш;

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш.

Секторлар иши «маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика» тамойилига кўра амалга оширилади.

1-даража – уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида энг қуйи бўлинда – маҳаллада долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар қўриш, туман (шаҳар)ни ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

2-даража – маҳаллаларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама

чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида туманлар (шаҳарлар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш, шунингдек, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

3-даража – туманлар (шаҳарлар)да аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, давлат, ҳудудий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига тақлифлар тайёрлаш ва киритиш, шунингдек, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

4-даража – ҳудудлар «йўл хариталари» амалга оширилишининг самардорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар томонлама танқидий таҳлил ва умумлаштириш ўтказиш, шунингдек, давлат, ҳудудий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, Президент олдида ҳар чораклик ҳисобот бериш тизимини жорий

этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, жойлардаги тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлифлар киритиш.

Бу – муҳим! Асоссиз, самараси кам, амалий аҳамиятга эга бўлмаган, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига кераксиз маъмурий иш ҳажмини оширадиган ва юклатилган вазифаларни бажаришдан чалғитадиган идоралараро йўғилишларни ўтказиш қатъий тақиқланди. Бундан ташқари, календарь йилнинг чорак якуни бўйича мажлисларга тайёргарлик қўриш ва ўтказишнинг ҳозирги амалиёти самарасиз ҳамда эскирган деб топилди.

Шунингдек, ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

Бош вазир ва унинг ўринбосарлари-га бириктирилган ҳудудлар; ҳудудлар ва туманлар (шаҳарлар) ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш схемаси;

туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларининг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низом;

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишнинг янгиланган концепцияси;

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрғанишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича комиссия.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	14.08.2017	1	1,7007	1	2,0095	1	0,0284
Арманистон	11.08.2017	1	478,52	1	562,64	1	7,95
Беларусь	14.08.2017	1	1,9521	1	2,2947	100	3,2465
Грузия	14.08.2017	1	2,3902	1	2,8125	100	3,9724
Қозғистон	14.08.2017	1	333,17	1	391,67	1	5,54
Қирғизистон	15.08.2017	1	68,9284	1	81,3562	1	1,1527
Молдова	14.08.2017	1	17,8856	1	21,0362	1	0,2972
Россия	15.08.2017	1	59,7990	1	70,6645	–	–
Тожикистон	14.08.2017	1	8,8062	1	10,3614	1	0,1438
Туркманистон	15.08.2017	1	3,5000	1	4,1304	100	5,8545
Украина	14.08.2017	100	2 569,5711	100	3 023,1004	10	4,2693

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВА ЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юрutiш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	3276,13	1 Малайзия рингити	968,38
1 Англия фунт	1131,12	1 Польша злотийси	1144,61
1 стерлинги	5401,09	1 СДР	5858,36
1 Дания кронаси	659,93	1 Туркия лираси	1177,31
1 БАА дирҳами	1131,12	1 Швейцария франки	4304,15
1 АҚШ доллари	4154,36	1 ЕВРО	4895,49
1 Миср фунти	234,31	10 Жанубий Корея вон	36,46
1 Исландия кронаси	39,01	10 Япония иенаси	379,19
1 Канада доллари	3274,50	1 Россия рубли	69,02
1 Хитой юани	623,54	1 Украина гривнаси	161,68

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матнур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

УШБУ СОНДА

• ҚАРОР ВА ИЖРО

– «E-i-jro auksion» – шаффоф тизим

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Қўйилган 50 минг сўмлик пул ҳам бўлади

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Пенсияни алмаштириш

– Алло, эшитамиз

– Нафақа олиш ҳуқуқи

– Паспортсиз ва пенсиясиз

– Стаж ҳаммага керак

– 10 йил ҳисобга олинмайди

– Ҳали ҳам кеч элас

3-6-бетлар

– Фойдали давр

– Иш судгача етиб борди

– Қўллаб-қувватлашни тубдан

такомиллаштириш мақсадида

– Пенсонердан солиқ

– Ўзингизни текширинг

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ихтисослигим бўйича

ишламоқчиман

– Тўлиқ иш

– Узилган декрет

7-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ

ЁН ДАФТАРИДАН

– Дастурхонингиздаги – пишлоқ!

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликлари, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни ўқинчи шахсларга бермасликлари ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

1140 рақамини териб, пенсия таъминотида доир масалаларни ҳал этиш, маслаҳат олиш ёки Пенсия жамғармасидаги керакли бўлимнинг манзили, телефон рақамини билиб олиш мумкин. Шу сонни ўқиб, бевосита алоқа қандай ишлаётгани ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Одатдагидек, газетхонларнинг саволларига ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг мутахассиси жавоб беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газета-электронининг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Пенсияни алмаштириш

Кекса киши ўз хоҳишига кўра пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтишга ҳақли. ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муқожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев бунинг учун нималар зарурлиги ҳақида ҳикоя қилади.

– ПЖга пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш ҳақида муқожаат қилганда янги ҳужжатларни йиғиш зарурми ёки пенсия йиғма-жилдидаги ҳужжатлардан фойдаланиладими? Бундай ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқариш қоидалари қандай, бунда янги эга бўлган стаж ҳисобга олинадими?

– Бу пенсия йиғмажилдида зарур ҳужжатлар бор-йўқлигига боғлиқ. Пенсияни бир туридан бошқа турига ўтказётганда

янги пенсия айна пайтда амал қилаётган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайинланади.

Масалан, айна пайтда бунинг учун меҳнат фаолиятининг **охири 10 йили** мобайнидаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома зарур. Тегишинча, пенсия йиғмажилдида бундай ҳужжат бўлмаса, уни тақдим этиш керак бўлади.

Бир вақтнинг ўзида шунинг ҳисобга олиш лозимки, ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги иш вақти ёшга доир ёки

БУГУНГИ СОНДА:

10 йил ҳисобга
олинмайди

Агар бадаллар
туланмаган
бўлса...

5

иш судгача етиб
борди

Тўғри ечим
топилганда

6

ПЕНСИОНЕРДАН
СОЛИҚ

Мол-мулкни
ижарага беришдан
даромад

7

ЎЗИНГИЗНИ
ТЕКШИРИНГ

Тест саволлари
пенсияга оид

8

Маълумот учун!

Санаторийга **КЕЛГАН** ногиронлар ва кексалар йўлланмадан ташқари **ПАСПОРТ** ва **САНАТОРИЙ-КУРОРТ КАРТАСИГА** эга бўлишлари керак.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш стажига киритилади.

Тегишинча, аризада сўралган пенсия турини тайинлаш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилиши керак

(Низомнинг 12–14-бандлари, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

МИСОЛ. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини (ёки пенсиянинг бошқа турини) ёшга доир пенсияга ўтказаятганда иш стажини, шу жумладан махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат; иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома; ариза берувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини (2005 йил 1 январдан кейин) тақдим этиш зарур. Ногирон болани парваришлаш ёки 80 ёшга тўлган қарияга қараб туриш ва бошқа ҳолатларда (опий таълим муассасасида ўқиш, армияда хизмат қилиш, декрет таътилида бўлиш ва ҳ.к.) тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилади. Агар устама ҳақ ва қўшимча тўлов олиш ҳуқуқи бўлса, бу ҳақдаги маълумотномаларни (агар пенсия йилмаҳилида бўлмаса) ҳам тақдим этиш лозим.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгаришини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилади (252-сон Низомнинг 136-банди).

Ёшга доир пенсияни ногиронлик пенсиясига ўтказишда пенсионер ушбу даврда эга бўлган иш стажига иш ҳақи ҳисобга олинмайди. Ногиронлик пенсиясини ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи илгари ёшга доир пенсияни тайинлашдан олдинги ишнинг охириги 10 йилдан келиб чиққан ҳолда, ногиронлик пенсиясини тайинлаш вақтида амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблаш шартлари қўлланган ҳолда аниқланади.

Илгари шахснинг ёшига доир тайинланган пенсияни пенсияларнинг бошқа турларидан биттаси бўйича тўловнинг тўхтатилиши муносабати билан тиклашда ҳам худди шу қоидалар амал қилади.

– **Ҳужжатлар қанча муддатда қўриб чиқилади?**

– Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан 10 кун муддатда қўриб чиқилади (252-сон Низомнинг 137-банди).

– **Қандай ҳолларда ПЖ пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказишни рад этиши мумкин?**

– Пенсия жамғармаси бўлими қўйидаги ҳолларда пенсиянинг бир

туридан бошқа турига ўтказишни рад этиши мумкин:

➤ янги турдаги пенсиянинг миқдори тўланаётганидан камроқ бўлса;
➤ янги турдаги пенсияни олиш ҳуқуқи бўлмаса.

Бошқа турга ўтказиш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин 5 кундан кечикмай рад этиш сабаблари, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган ҳолда бу тўғрисида пенсионерга хабарномани бериши ёки юбориши шарт. Тақдим этилган барча ҳужжатларнинг асл нусхалари улар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан пенсионернинг қўлига қайтарилади (252-сон Низомнинг 138-банди).

Бевосита алоқа

Алло, эшитамиз

Бу йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган. Жорий йилнинг февралдан пенсия ёшидаги кишилар ҳам ўзларини ташвишлантираётган саволлар билан бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўлдилар. Энди 1140 қисқа рақами орқали республиканинг исталган нуқтасидан Пенсия жамғармасининг Ижроия аппаратида кўнгироқ қилиш мумкин.

Фуқароларнинг пенсия таъминотида тааллуқли ва ишонч телефонига келиб тушадиган саволлари қисқа муддатларда қўриб чиқилиб, юсак даражада иқро этилмоқда. Бевосита линия ишлаётган бутун вақт мобайнида қарийб 5 860 та ариза келиб тушди. Уларнинг барчаси қўриб чиқиш учун топширилди.

Йюнда фуқаролардан 1 018 тадан ортиқ мурожаат келиб тушди, уларнинг 786 таси – оғзаки, 232 таси алоҳида назорат остига олинди.

Уларнинг мониторингинг фуқароларнинг ижро учун қабул қилинган шикоятлари кўпроқ Тошкентга, Тошкент, Фарго-

Маълумот учун!

«SMS-Pensiya» хизматига улашиб, пенсиялар ҳамда нафақалар миқдорлари ва тўланиши ҳақида **МАЪЛУМОТЛАР** олиш мумкин. Бунинг учун ўз телефонингиздан шахсий счётингиз рақамини (НЛС) териб, **10711** рақамига сўров жўнатиш – **“НЛС”*RU#**.
«SMS-Pensiya» хизматига улашиб ва ундай фойдаланиш **БЕПУЛ**.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

на, Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келишини кўрсатди.

Алоҳида назорат остида бўлган аризаларнинг (232 та) ярмидан кўпи қўриб чиқилиб, аризаларга тушунтиришлар ва юридик маслаҳатлар берилди. Қолган аризалар ижро этиш босқичида.

61 та мурожаат юзасидан қонун ҳужжатлари доирасида ёрдам кўрсатилди. Қуйидагилар шулар жумласидандир.

■ «SMS-Pensiya» интерактив хизматига уланган **Андижон вилоятидаги** пенсионер пенсиясининг 50%и банк пластик картчасига ўтказилганлиги ҳақида хабар олди. Унинг шикоятни ўрганиб чиқилганда Пенсия жамғармаси Пахтабод тумани бўлими ходимининг айби билан июнда пенсия суммасининг ярми ҳақиқатан банк пластик картчасига ўтказилганлиги аниқланди. Хато тузатилиди, унга йўл қўйган ходимга нисбатан интизомий жазо қўлланди.

■ Пенсия тайинлаш учун барча зарур ҳужжатларни январь ойидаёқ топширган **Тошкентдаги** фуқаро шу пайтгача тўланиши керак бўлган пенсияни олмаганлигидан шикоят қилди. Унинг мурожаати натижасида 7 йилу 6 ойлик умумий иш стажини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ бўлмаган стаж шароитида пенсия тайинланди. Хатога йўл қўйган ходимга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чораси қўлланди.

■ **Наманган вилоятидаги** пенсионер ҳам июнь учун пенсия бесабаб тўланмаганлигидан шикоят қилди. Мурожаат ўрганилганда Пенсия жамғармаси Чуст тумани бўлими ходими йўл қўйган техник хато туфайли пенсионер-

нинг фамилияси тўлов қайдномасига киритилмаганлиги аниқланди. Натижада пенсия тўланди, ушбу ходим билан тузилган меҳнат шартномаси эса бекор қилинди.

■ **Бухоро вилоятидан** келиб тушган мурожаат ўрганилганда почта алоқаси ходимининг эътиборсизлиги сабабли пенсия суммаси тўланганлиги ҳақидаги ахборот компьютер базасига хато равишда киритилганлиги, бунинг оқибатида фуқаро пенсия тўланганлиги ҳақида SMS-хабар олганлиги, бироқ амалда бундай бўлмаганлиги аниқланди. Масала ҳал этилди. «Ўзбекистон почтаси» АКга хатога йўл қўйган ходимга нисбатан интизомий чоралар кўриш учун хат йўлланди.

Ишонч телефонига мурожаат қилган аризалар муаммоларини ҳал этиш имконига эга бўлиб қолмай, пенсия қонунчилигидаги ислохотлар, пенсияларни тўлаш тартиби, илк бор тайинлаш учун зарур ҳужжатлар, пенсионерлар учун янги жорий этилган интерактив хизматлар («SMS-Pensiya»), Пенсия жамғармаси бўлимларининг манзиллари ва улар билан алоқа боғлаш ҳақида ахборот олиши ҳам мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу тарзда бевосита алоқа қилиш фуқаролар, юридик шахслар ва Пенсия жамғармаси ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу эса ўз навбатида жойнинг ўзида самарали қарорлар қабул қилиш ва муаммоларни тезкор бартараф этиш имконини беради.

pfru.uz сайти хабарларидан.

Расмий жавоб

Нафақа олиш ҳуқуқи

? Газетангизда боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳақидаги «Бир киши ҳамма учун» («Норма маслаҳатчи»нинг 18.07.2017 йилдаги 28-сон)и материални ўқиб чиқдим. Демак, фақат стаж бўлганда бундай пенсияни олиш мумкин экан-да. Стаж бўлмаса-чи? Бу ҳолда нима қилиш керак?

С.Заниева. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсияларига олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тарти-

бини Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонуннинг 1-моддаси 4-қисми). Хусусан, улар нафақалар олиш ҳуқуқига эга.

Боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдорини ҳисоблаш тартиби Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоом (ВМнинг 7.04.2011 йилдаги

107-сон қарорига 2-илова) билан белгиланган.

Вафот этганнинг оила аъзоларига нафақа миқдори вафот этган фуқаро олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган нафақага фоиз нисбатида қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) оиланинг 3 ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – нафақанинг 100%и;

б) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 2 аъзосига – нафақанинг 75%и;

в) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 1 аъзосига – нафақанинг 50%и.



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

МИСОЛ. Агар вафот этган киши 292 940 сўм миқдориди болаликдан ногиронлик нафақасини олган бўлса, боқувчисини йўқотганлик нафақасининг миқдори қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқарилади:

оиланинг 3 ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – 292 940 сўм;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 2 аъзосига – 219 705 сўм (75% x 292 940);

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 1 аъзосига – 146 470 сўм (50% x 292 940).

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда вафот этганининг оила аъзоларига нафақа Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг нафақаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Чунончи, нафақа миқдори 179 755 сўм бўлса, боқувчисини йўқотганлик нафақаси қуйидаги миқдорни ташкил этади:

оиланинг 3 ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – 179 755 сўм;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 2 аъзосига – 134 816,25 сўм (75% x 179 755);

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз 1 аъзосига – 89 877,5 сўм (50% x 179 755).

Уни олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига Низомда белгиланган миқдорда битта умумий нафақа тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг нафақадаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади. Бунда тайинланган нафақанинг умумий миқдори олувчиларнинг умумий сонига бўлинади.

Бошқа туманда (шаҳарда) яшайдиган оила аъзоси ўзига нафақа улушини тайинлаш ёки ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, Пенсия жамғармаси бўлими оиланинг барча аъзоларига ҳужжатларни расмийлаштирадиган ёки ушбу оиланинг амалдаги ҳужжатлар

ийғмажилди турган ПЖ бўлимига тегишли хабарномани юборади. Хабарномага ариза ва янгидан мурожаат қилган оила аъзосининг нафақа олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳолатда нафақа мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб тайинланади.

Ийғмажилднинг расмийлаштиришда барча ҳолларда унга оила ҳар бир аъзосининг нафақага бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган барча ҳужжатлар тикиб қўйилади.

Оила аъзосига нафақадан улуш ажратилишида нафақа миқдорига доир белгиланган талабларга риоя этилади.

Паспортсиз ва пенсиясиз

? *Кетган пайтимда онам (82 яшар) биометрик паспортини йўқотиб қўйибди. У кейинги бир неча ой давомида шифокор хузурига кўп қатнаган, стационарда даволанган. Билишимча, паспортини ҳеч қерда қолдириб кетмаган. Бироқ айни пайтда уни уйдан ҳам топа олмаямиз. Паспортсиз унга пенсия бермаяптилар. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Янги паспорт олгунча анча вақт кетади. Ҳозирча кўшниллар ёки маҳалла қўмитаси вакиллариининг тасдиғи билан пенсия олиш имкони борми?*

Г.Петрова. Тошкент ш.

– Пенсия фақат паспорт тақдим этилганда берилади. Янги биометрик паспортни расмийлаштираётганда паспорт столига мурожаат қилиб, тасдиқланган шаклдаги фуқаронинг шахсини ва паспорт маълумот-

ларини тасдиқловчи вақтинчалик паспорт олишингиз мумкин.

Онангиз вақтинчалик паспорт асосида пенсия олиши мумкин.

Стаж ҳаммага керак

? *11 йиллик стажга эгаман. Болаликдан ногиронларнинг оналари имтиёзли пенсия олишга ҳақли эканликларидан хабарим бор. Қандай ҳолларда уни тайинлашни рад этишлари мумкин?*

З.Ҳалипова. Тошкент ш.

– Болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, иш стажы камиди 20 йил бўлган тақдирда белгиланган пенсия ёшини 5 йилга қисқартирган ҳолда

пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 12-моддаси «з» банди).

Қуйидаги сабабларга кўра сизга пенсия тайинлашни рад этишлари мумкин:

1) бола 8 ёшга тўлгандан кейин ногиронлиги белгиланганда;

2) 20 йиллик иш стажы мавжуд бўлмаганда.

Болаликдан ногирон болага

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

(I гуруҳ ногиронига ёки ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган, 80 ёшга тўлган қарияларга) қараб турилган вақт ҳам талаб этилади-ган 20 йиллик иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Бироқ бу даврлар Қонуннинг 37-моддаси «а»–«г» бандларида кўрсатилган умумий иш стажига қўшиб 7 йил бўлганда стажга қўшиб ҳисобланади.

Агар иш стажингиз бўлса, болага

қараб турган йилларингиз зарур стажга киритилади. 7 йиллик стаж бўлмаганда бу даврлар иш стажига киритилмайди ва, тегишинча, имтиёзли шартлардаги пенсия тайинланмайди.

10 йил ҳисобга олинмайди

? *Сугурта бадаллари ихтиёрий равишда тўланмаганлиги муносабати билан ишлаш даври охириги 10 йиллик стажга киритилмайдиган ҳолатларни тушунтириб берсангиз. Агар бу давр стажда узилиш бўлган ундан аввалги 10 йилга қўчирилса, бу ҳолда қандай ҳисоб-китоб қилинади? Яна 10 йилга қўчириладими? Стаж узлуксиз бўлиши керакми ёки турли даврларда ишлаган йилларни танлаш мумкинми?*

М.О.

— Ўзгартиришларга (ВМнинг 27.06.2017 йилдаги 429-сон қарори) мувофиқ, ихтиёрий равишдаги сугурта бадаллари тўланмаганлиги сабабли иш стажига қўшиб ҳисобланмаган даврлар меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик даврга киритилмайди (252-сон Низомнинг 87-банди).

Амалиётда бу қуйдагича кўриниши мумкин.

Киши 1980 йилдан 1999 йилгача Ўзбекистонда ишлаган. 2000 йилдан 2005 йилгача ишламаган. 2005–2015 йилларда, айтилик, Россия Федерациясида ишлаган. Бунда РФда ишлаган даврда ЎзР Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишдаги сугурта бадалларини тўламаган.

Янги тартибга кўра пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ЎзР Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланмаган Россия Федерациясида ишлаган даври (2005–2015 йиллар) меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик даврга киритилмайди.

Пенсия миқдори иш стажига киритилган меҳнат фаолиятининг бошқа 10 йиллик даврдан келиб чиқиб ҳисобланади. Мазкур ҳолда 1989 йилдан 1999 йилгача, сабаби у 2000–2005 йилларда ишламаган.

Ҳали ҳам кеч эмас

? *Қариндошим болаликдан ногирон фарзандини тарбиялаётти. У 14 ёшга тўлди. Бу йиллар давомида унинг учун ҳеч қандай ижтимоий нафақа олмаган. Ишини дарҳол ташлашига тўғри келган. Ҳозир у нафақа ёки пенсия сўраб мурожаат қилишга ҳақлими? Бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур?*

И.Гореева. Тошкент ш.

— У болаликдан ногиронлик нафақасини тайинлаш тўғрисидаги ариза билан Пенсия жамғармасига мурожаат қилиши мумкин. У барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади. Уни ўтган вақт учун олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ногирон бола ота-онасининг аризасига қуйдагилар илова қилинади:

➤ ногирон боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

➤ ногирон боланинг яшаш жойини тасдиқлайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси;

➤ соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда бериладиган тиббий хулоса;

➤ ариза берган ота-онанинг паспорти нусхаси (Низомнинг 6, 9-бандлари, ВМнинг 107-сон қарорига 1-илова).

Маълумот учун!

Пенсионернинг **ТАНЛАШИГА** қараб унга пенсия ёки нафақани **Тўлашнинг бир нечта шакллари**дан (пластик карточка, банкдаги омонат счёти, нақд пул) фойдаланиб тўлашлари мумкин.

Маевуевий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Фойдали давр



Яқинда пенсияга чиқаман. Эшитишимча, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат фаолиятининг исталган 5 йилини танлашим мумкин экан. Шу тўғрисида?

И.К. Тошкент ш.

— Ҳа, фақат бутун меҳнат фаолиятидаги эмас, балки, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган

кетма-кет 5 йилни танлашингиз мумкин (Қонуннинг 31-моддаси 1-қисми). Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун айтиш шундай ҳақиқат олинади.

Иш судгача етиб борди



Архиви сақланмаган ташкилотдаги иш стажим кўшилмай ҳисобланган пенсияни 6 йил олдим. Ҳозир ўша пайтда мен билан бирга ишлаган иккита гувоҳни кўрсатиб, судга муурожаат қилдим. Суд стажни ҳисобга олиш тўғрисида қарор чиқарди.

Пенсия суммасини қайси вақтдан бошлаб қайта ҳисоблайдилар? У тайинланган кундан бошлабми (яъни ўтган 6 йил учун ҳам) ёки суд қарори қабул қилинган кунданми?

Х.Рўзиев. Тошкент ш.

— Бу суднинг ҳал қилув қарорига боғлиқ. Агар суд муайян корхонада муайян вақт ишлаганлик далилини юридик жиҳатдан белгиланган бўлса, Пенсия жамғармаси бўлимлари пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза (унга суднинг ҳал қилув қарори илова қилинади) билан муурожаат қилинган

ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб уни қайта ҳисоблайдилар.

Агар суд Пенсия жамғармаси бўлимининг иш стажини ҳисобга олмаганлигини қонунга зид деб топган бўлса, бир вақтнинг ўзида ушбу стаж қайси санадан бошлаб ҳисобга олиниши кераклиги ҳақида қарор чиқаради.

Суднинг қароридан иш стажини ҳисобга олиниши керак бўлган сана кўрсатилмаган бўлса, ариза берувчи қарор қабул қилган судга тушунтириш беришни, яъни иш стажини ҳисобга олиш санасини аниқлаштиришни сўраб муурожаат қилишга ҳақли.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Вазифалар ва ечимлар

Қўллаб-қувватлашни тубдан такомиллаштириш мақсадида

Президентнинг 1.08.2017 йилдаги Ф-5006-сон Фармойиши билан ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хужжат билан Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Қуйдагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди:

■ ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар,

камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

■ ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

■ ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умум-этироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

■ тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

■ ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳолини таҳлил қилиш;

■ ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш;

■ ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва

бошқа инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

■ ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, тугма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тўбдан кўчайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва муддатда бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этиш (*бир ҳафта муддатда*), тадбирлар режасини тасдиқлаш ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асослангирлигига тақлифларни кириш топширилди (*2017 йил 15 сентябрга қадар муддатда*).

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Эксперт маслаҳати

Пенсионердан солиқ

? Корхона жисмоний шахсдан савдо майдонини ижарага олади. Ижара тўлови – 29 кв.м учун 480 000 сўм. Ижарага берувчи – II гуруҳ ногирони, пенсионер. Ушбу вазиятда ЖШДС ушлаб қолиш зарурми?

С.Давлатова, МЧЖ директори.

– Ҳа, зарур, сабаби ижарага берувчи корхона ҳодими ҳисобланмайди.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад мулкий даромад ҳисобланади ва унга ЖШДСнинг белгиланган энг кам ставкасида солиқ солинади (*Солиқ кодексининг 176, 181-моддалари*).

II гуруҳ ногиронлари ЖШДСдан қисман – ҳар бир ой учун ЭКИХнинг 4 баравари миқдоридидаги даромадлар бўйича озод қилиш кўринишидаги имтиёзга эга. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки ТМЭКнинг маълумотномаси асосида берилади (*Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмининг 5-банди*).

Ижарага берувчи пенсионер бўлиб, корхона ҳодими эмаслиги сабабли жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида ЖШДСни ҳисоблаб чиқаришда имтиёз қўлланади. У ижарага берув-

чининг яшаш жойидаги солиқ органларига тақдим этилади. Декларация ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача топширилади. Корхона ЖШДСни энг кам ставкада (2017 йилда – 7,5%) ушлаб қолади.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга шартномадаги ижара тўлови суммасидан, бироқ белгиланган энг кам ставкалар бўйича ҳисобланганидан кам бўлмаган миқдордан келиб чиқиб ЖШДС солинади.

2017 йилда Тошкент шаҳри бўйича нотураж жой учун ижара тўловининг энг кам ставкаси – ойига 1 кв.м учун 9 000 сўм (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорга 26-шлова).

Далилга кўра 29 кв.м учун ижара тўлови ойига 480 000 сўмни ташкил этади. 1 кв.м учун ойига – 16 551,72 сўм. Яъни белгиланган энг кам став-

кадан кўп. Демак, шартномадаги ижара тўлови суммаси – 480 000 сўмга солиқ солинади:

$480\,000 \times 7,5\% = 36\,000$ сўм ЖШДС.

Корхона ижарага берувчига ҳар ой 444 000 сўм (480 000 – 36 000) тўлайди.

480 000 сўм ЭКИХнинг 4 бараваридан кам эканлиги сабабли ижарага берувчи корхона ушлаб қолган ЖШДСнинг бутун суммасини бошқа солиқларни тўлаш учун ҳисобга олиши ёки декларация асосида қайтариши мумкин.

Солиқ суммалари солиқ органларига қайтариш тўғрисидаги ариза топширилган санадан эътиборан 30 иш куни ичида қайтарилади (*Солиқ кодексининг 57-моддаси*).

Азизахон Тошхўжаева,
«Norma Online» эксперти.

P.S.

Ўзингизни текширинг

Газетамизнинг қанчалик зийрак ўқувчиси эканлигингизни текширадиган вақт келди. Мабодо ниманидир эслолмай қолсангиз, хавотирга тушманг. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, билимларингизни такрорлаб олишга доимо имкон бор. Омад ёр бўлсин!

1. Пенсия ҳисобланиши учун иш ҳақининг ҳажми қанча бўлиши керак?

- а 1 ЭКИҲ.
- б Пенсия тайнлаш ва иш стажини ҳисоблаш учун иш ҳақининг ҳажмига доир алоҳида талаблар мавжуд эмас.
- в Сугурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги барча даромадлар.

2. Пенсияни тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган ишлайдиган пенсионерлар тоифасига кимлар киради?

- а Махсус муассасаларнинг ўқитувчилари.
- б Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ходимлари.
- в «Соғлом авлод» жамғармаси раҳбарлари.

3. Қайси ҳолларда кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа тайинланади?

- а Агар оила ҳар бир оила аъзосига ЭКИҲнинг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлса.
- б Агар оилада 2 ва ундан ортиқ кичик ёшдаги болалар бўлса.
- в Агар ўртача ойлик жами даромад миқдори 1 ЭКИҲга тенг бўлса.



4. Ташкилот раҳбари пенсионерни ишга қабул қилганлиги тўғрисида қайси вақт мобайнида Пенсия жамғармасига хабар юбориши керак?

- а 22 иш куниди.
- б 3 иш куниди.
- в 5 иш куниди.

5. Ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтаётганда иш стаж ҳисобга олинадими?

- а Ногиронлик бўйича пенсия тайинлангандан кейинги иш вақти стажга ҳисобланади.
- б Йўқ, ҳисобга олинмайди.
- в Агар ногиронлик ҳарбий мажбуриятни бажараётганда юзга келган бўлса, ҳисобланади.

6. Пенсия ҳисобланаётганда туман коэффиценти ҳисобга олинадими?

- а Туман коэффиценти ҳисобга олиб ҳисобланган ҳақиқатдаги иш ҳақи ҳисобга олинади.
- б Ҳа, агар коэффицент охириги 10 йиллик стажнинг 5 йили мобайнида ҳисобланган бўлса, ҳисобга олинади.
- в Йўқ, ҳисобга олинмайди.

Тўғри жавоблар: 1а, 2б, 3а, 4б, 5а, 6а.

Натижалар

Ҳар бир
тўғри
жавоб
учун —
1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл — аъло даражали натижа.
Сиз пенсия таъминоти масалалари-
ни яхши тушунасиз.
3-5 баллар — кўп нарсани билар

экансиз. Билимларингиз янада
юқори бўлиши учун «Норма масла-
ҳатчи»ни ўқинг ва ҳуқуқ соҳасидаги
янгиликлардан доимо бохабар бўлиб
туринг.

1-2 баллар — афсус, сиз жуда

кам билимга эгасиз. Эсдан чиқарманг,
билим — куч демак. Куч-қувват айниқра
пенсия ёшида сизга асқотиб қолади.
«Норма маслаҳатчи» билан бирга
бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши
натижани қўлга киритасиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 23.05.2017 йилдаги 21 ва 18.07.2017 йилдаги 28-сонларида чоп этилган.

Мавзுவий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ихтисослигим бўйича ишламоқчиман

НТМнинг 2 та муассиси бор: 1-муассис – директор; 2-нчиси – маълумоти бўйича рухшунос, яъна тартибдаги тadbиркор.

Иккинчи муассис ишга жойлашмасдан туриб рухшунослик хизматларини кўрсата оладими? Зеро у ташкилот фойдаси учун ишлаб, бунда иш ҳақи олмаслиги мумкин. Ёки у умумий асосларда ишга жойлашиши шартми? НТМга расман ишга жойлашган тақдирда бундан қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин, ахир у ЯТТ ҳам ҳисобланади-ку? Уриндошлик асосидами?

Г.О.

– Йўқ, муассис ишга жойлашмай туриб рухшунос хизматларини кўрсата олмайди. Рухшунос сифатида ишлаш учун НТМ ёки шунга ўхшаш бошқа муассасага ишга жойлашиши керак, бу меҳнат учун ҳақ (иш ҳақи) тўланишини англатади. Уриндошлик

асосида эмас, асосий иш жойи бўйича ишлаши керак. Яъни ишга қабул қилиш вақтида мазкур шахс қуйидаги ҳужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўрнини босади-ган бошқа ҳужжатни;
- меҳнат дафтарчасини (биринчи

маротаба ишга кирмаётган бўлса, албатта);

➤ ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирилувчи бўлса, тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

➤ олий ёки ўрта махсус, касб-хунаруқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини тақдим этади (МКнинг 80-моддаси).

Директор тимсолида НТМ билан унинг ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, у ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади (МКнинг 82-моддаси).

Муассис бир вақтнинг ўзида ЯТТ ҳам бўлса, у билан тузилган меҳнат шартномасидаги иши тўғрисидаги

шартлар орасида тарафлар ўртасидаги келишувга биноан унинг аниқ иш вақти кўрсатилган бўлиши керак. Хусусан, унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин (МКнинг 119-моддаси), ушбу вақтдан ташқари ЯТТ сифатидаги фаолияти билан шуғуллана олади.

Хусусий тadbиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова) рухшунос хизматларини кўрсатиш киритилмаган. Тегишинча, жисмоний шахслар ЯТТ сифатида мазкур фаолият турини амалга оширишлари мумкин эмас (ВМнинг 6-сон қарори 2-банди).

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Ходимни 0,5 ставкадан тўлиқ ставкага қандай ўтказиш мумкин?

С.Мирзаҳмедов.

Тўлиқ иш

– Ходимни 0,5 ставкадан тўлиқ ставкага ўтказиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш деб баҳоланади (МКнинг 88-моддаси).

1. Ходим билан иш берувчи ўртасида ўтказиш ҳақида келишувга эришилган бўлса, меҳнат шартномасига қўшимча битимни расмийлаштиринг. Унда ходим муайян санадан бошлаб тўлиқ ставкада ишлашини кўрсатинг, унинг иш вақти муддати ва меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини ўзгартиринг. Меҳнат шартномасига қўшимча битим асосида ходимни 0,5 ставкадан тўлиқ ставкага ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаринг.

2. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартларини ўзгартириш (МКнинг 89-моддаси) фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина амалга оширилади.

Иш берувчи ходимни бўлажак тўлиқ ставкага ўтказиш ва бунинг оқибатидаги ўзгаришлар (иш кунини муддати ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори) ҳақида уни камида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим розилик билдирганда, биринчи ҳолатда бўлганидек, меҳнат шартномасига қўшимча битим ва буйруқни расмийлаштиринг.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин. Бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўлаш (МКнинг 151-моддаси). МКнинг 89-моддаси 4-қисмига мувофиқ, ходим билан меҳнат шартномаси у мазкур шартлар асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши тўғрисида буйруқ чиқаринг.

3. Ходимнинг илтимоси (ташаббуси) билан меҳнат шартларини ўзгартириш МКнинг 90-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси берилган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилади. Масала ижобий ҳал этилганда тарафларнинг келишувига кўра ўтказиш тартибида бўлганидек ўтказишни расмийлаштиринг. Ариза ва меҳнат шартномасига қўшимча битим буйруқда кўрсатилган ўтказиш учун асос бўлади.

Узилган декрет

Компаниямиз ходимни декрет таътилидан чақирмоқчи. Бундан қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

И.Абдурахмонова.

– Қонун ҳужжатларида «декрет таътили» атамаси мавжуд эмас. Бунда ижтимоий таътиллари назарда тутилиб (МКнинг 149-моддаси), ходимларга:

- 1) ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари (МКнинг 233-моддаси);
- 2) болаларни парваришlash таътиллари (МКнинг 234-моддаси) берилади.

1. Ҳомилдорлик ва туғиш таътили ходимлар вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган барча ҳолларда-

ги сингари меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида, ижтимоий сугурта бўйича комиссиянинг баённомаси билан расмийлаштирилади ва аёлга тўлиқ берилади.

II. Болаларни парваришlash таътиллари.

Аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар бу даврда нафақа тўлаш тўғрисидаги ёзма аризаси асосида болани парваришlash учун таътил берилади.

Аёлга, унинг аризасига кўра, боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Аёл бундай таътиллardan тўлиқ ёки қисман фойдаланиши мумкин.

Иш берувчи ўз ташаббусига кўра аёлни ижтимоий таътиллardan чақириб ололмайди. Ташаббус (хоҳиш) ходим томонидан билдирилиши керак.

Шу сабабли болаларни 2 ёки 3 ёшга тўлгунга қадар парваришlash таътилларида фойдаланиш тўғрисидаги қарорни ходим қабул қилади. Аёл исталган пайтда болаларни парваришlash таътилларида узиб, ишга киришишга ҳақи.

Ариза намунаси

«Гарант» МЧЖ директори

Қурбонов И.К.га

офис менежери Саломова Ф.В.дан

АРИЗА

Сиздан 2017 йил 10 августдан бошлаб мени болани парваришlash таътилидан қайтган ва бола 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа олиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда 5 кунлик иш ҳафтасида кунига 4 соат – тўлиқсиз иш вақти шартларида ишга киришган деб ҳисоблашингизни сўрайман.

Саломова Ф.В. 10.08.2017 й.

Иш берувчи ходимнинг аризасини олиб, аризада кўрсатилган кундан бошлаб таътилни тўхтатиш ва уни ишга қўйиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Ходимнинг болани парваришlash таътили вақ-

тига мўлжаллаб унинг ўрнига бошқа ходим ишга қабул қилинган бўлса, у билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 105-моддасига мувофиқ бекор қилинади.

Буйруқ намунаси

115-к-сон БУЙРУҚ

2017 йил 10 август

Тошкент ш.

1. Офис менежери Саломова Феруза Ваҳобовна унинг илтимосига кўра болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash таътилидан қайтган ва бола 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа олиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда (МКнинг 234-моддаси) 5 кунлик иш ҳафтасида кунига 4 соат – тўлиқсиз иш вақти шартларида 2017 йил 10 августдан ишга киришган деб ҳисоблансин.

Асос: Саломова Ф.В.нинг 10.08.2017 йилдаги аризаси.

2. 2017 йил 10 августда асосий ходим болани парваришlash таътилидан қайтганлиги муносабати билан офис менежери Ҳайдарова Саодат Икром қизи билан меҳнат шартномаси бекор қилинсин (МКнинг 105-моддаси).

Ҳайдарова С.И.га 2017 йил 2 январдан 10 августгача ишлаб берган даврида фойдаланилмаган меҳнат таътили – 14 (ўр тўрт) иш кунини учун пуллик компенсация тўлансин (МКнинг 151-моддаси).

Аёл ўз хоҳишига кўра, болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан ке-

лишиб, уйда ишлаши мумкин. Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қолади (МКнинг 234-моддаси 4-қисми).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Пишлоқни кўпчилик хуш кўради, унинг навларини бирма-бир санаб берадиганлар ҳам бор. Айниқса, хуштаъм, яхши пишлоқ олдида ҳар қандай ирода ҳам бўшади. Пишлоқпазлик – нозик иш, у эътиборсизликни кўтармайди, балки маҳорат ва меҳнатсеварликни талаб қилади. Бироқ ҳамма вақт ҳам брак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бўлган, улар сифатсиз пишлоқ чиқараверганлар. Ўтган асрнинг 70-йилларида ана шундай жиноят ишини текширишни Минск вилояти Крупа туманининг прокурор ёрдамчиси В.Н.Демидовичга топширишган эди. Мазкур воқеани у ҳикоя қилиб берган.



Дастурхонингиздаги – пишлоқ! Бироқ...

Пишлоқ қандай қилинади

Ҳар қандай товар ёки маҳсулотнинг сифат кўрсаткичини истеъмолчининг талаби белгилайди. Бироқ харидорлар ёғ-пишлоқ заводларидан бири ишлаб чиқарган пишлоқни бирданига олмай қўйишди. Сотиб олганлар ҳам кетидан сотувчиларга унинг сифати бўйича норозиликлар билдиришарди. Бундан ташқари, туман прокуратурасига ана шу ёғ-пишлоқ заводи кўп миқдорда сифатсиз пишлоқ ишлаб чиқарганлиги тўғрисида ариза келиб тушди.

Прокуратура халқ нозорати ва ОБХСС ходимлари билан биргаликда текширув ўтказди, унинг натижасида ушбу далиллар тасдиқланди. Текширув материаллари бўйича жиноят иши кўзгатилиди.

Терговчи мутахассислар ёрдамида пишлоқ тайёрлаш технологиясини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ҳужжатлар айланишини ўрганиб чиқди. Биринчи навбатда у ҳужжатли тафтишни тайинлади, унда, тафтишчи бухгалтер билан бир қаторда технолог мутахассислар иштирок этдилар.

Аниқланишича, заводда хом ашё пишлоқ ва мой ишлаб чиқарувчи цехларда қайта ишланган. Меҳнатни ташкил этиш ва маҳсулот тайёрлаш бўйича умумий раҳбарликни завод директори С. ва лаборатория бошлиғи, бир вақтнинг ўзида техник назорат бўлимига бошлик бўлган П. амалга оширганлар. Завод бош техниги М. ускунадан узлуксиз ва техник жиҳатдан тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни олиб бориши, уни талаб даражасидаги аниқлик билан ишчи ҳолатда сақлашни таъминлаши шарт эди.

Завод лабораторияси пишлоққа яроқли сутни текширувдан ўтказган. Цехда пишлоқ каллаклари тайёрланганидан кейин у пишлоқ ертўласига топширилган, бу ерда у давлат стандартига кўра 60 кун мобайнида еттиштирилган. Етилганидан кейин заводнинг эксперт комиссияси пишлоқни сифати ва кимёвий кўрсаткичларига кўра текширган, сўнгра пишлоқ каллаклари маркировкаланган ва парафин қобиги билан қопланган.

Технологияни ўрганиш пишлоқ тайёрлашга оид зарур ҳужжатлар, ишлаб чиқариш лабораторияси ҳужжатларини ўз вақтида олиб қўйиш, сўров ва бошқа тергов ҳаракатларини изчил ўтказиш имконини берди. Технолог мутахассислар ёрдамида технологик линия ва совутиш қурилмаси кўздан кечирилди.

Агар технология бузилса...

Дастлабки тергов иши ёғ-пишлоқ заводида пишлоқ тайёрлаш технологияси нунтазам равишда бузилаётганлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш учун асос берди, зеро совутиш қурилмаси ёмон, тўхтаб-тўхтаб ишламоқда эди. У ўз вақтида профиллактик таъминланмаган. Аммиак ва хлорли кальций олиш ҳамда уни етказиб бериш чоралари қўрилмаганлиги туфайли совутиш қурилмаси туз эритмасининг паст концентратияси билан ишлаган ва зарур ҳарорат режими таъминланмаган. Чунончи, агар технологияга кўра ташқи етилтириш +10 дан +14 градусгача ҳароратда юз бериши керак бўлса, заводда июлдан октябрга қадар пишлоқ ертўласида ҳарорат +15 дан +17 Цельс

сий градусгача бўлган, айрим кунлари эса у бундан ҳам юқори бўлган.

Сифатсиз хом ашёдан фойдаланиш ва етилтиришнинг ҳарорат режими бузилганлиги натижасида заводда 236,7 тонна сифатсиз пишлоқ ишлаб чиқарилган. Бу эса ишлаб чиқарилган пишлоқ умумий миқдорининг 19,4%ини ташкил этган, бу билан давлатга 142,8 минг сўм зарар етказилган. Шунча кўп миқдорда сифатсиз пишлоқ ишлаб чиқарилганлиги боис завод уни етказиб бериш режисини бажармади, натижада 11,9 минг сўм жарима санкцияси ундирилган.

Техник назорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи ва завод директори С. таътилда бўлганда унинг ўрнини босадиган, ишлаб чиқариш лабораториясининг бошлиғи П. ҳам сифатсиз пишлоқ тайёрлашга дахлдор эди. У ишлаб чиқариш жараёнини тегишли назорат қилишни таъминламади, технология бузилишига қолайд бўлди.

Завод тайёрлаган пишлоқнинг сифатсизлиги ва унинг давлат стандартига мувофиқ келмаслигини билиб туриб С. ва П. бир неча марта уни йирик туркумларда истеъмолчиларга юборишган. Илова қилинучи ҳужжатларда унинг давлат стандарти талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган. Истеъмолчилар эса пишлоқни брак қилганлар ва қайта ишлаш учун эритилган пишлоқлар заводига юборганлар. Истеъмолчилар жами 11,7 минг сўмлик 25 тонна пишлоқни бракка чиқарганлар.

Ким айбдор?

Сифатсиз пишлоқни оммавий тарзда тайёрлаганлик ва уни истеъмолчиларга етказиб берганлик учун жавобгарликдан бўйин товлашга уриниб, С. ва П. бу ҳол уларга боғлиқ бўлмаган турли сабабларга кўра юз берган деб кўрсатганлар. Бироқ уларнинг вазилари иш бермади. Пишлоқ тайёрловчи завод ишчилари С. ва П. ишни тегишли даражада ташкил этиш чораларини кўрмаганликлари, сифатсиз пишлоқ ишлаб чиқарилаётганлиги тўғрисида ишчиларнинг гап-сўзларини эътиборга олмаганликларини баён этдилар.

Завод бош механиги М. ва директори С. бирлашма оморларида мавжуд бўлмаган туфайли совутиш қурилмаси учун аммиак ва хлорли кальций олиб келинмаганлигини айтишди. Бироқ бирлашма ходимлари сўроқ қилинган маълум бўлдики, кимёвий моддалар билан таъминлаш масаласини завод умуман қўймаган ҳам, ваҳоланки, уларсиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас эди. Ушбу кимёвий моддаларни етказиб беришга ёзма буюртма-номалар бўлмаган.

С. ва П. истеъмолчиларнинг пишлоқни бракка чиқарганлигига қўшилмай, унинг тахлили органолептик равишда, яъни ташқаридан кузатиш ва таъмини санаб кўриб, амалга оширилганлиги, бундай баҳолаш субъективизмни истисно қилмаслигини айтдилар. Бу ваз жам ҳушмади. Технологик экспертиза технологик жараёнлар кўпол равишда бузилганлигини аниқлади, бунинг натижасида сифатли пишлоқ ишлаб чиқариб бўлмас эди. Буни ўз кўрсатмаларида пишлоқпаз ишчилар ҳам тасдиқладилар.

Иш йиғмажилдида маҳсулотни сифати бўйича қабул қилиш далолатномалари ва қабул қилишни амалга оширадиган истеъмолчиларни ва товар экспертизалари бюроси экспертларини сўроқ қилиш баённомалари киритилди.

Завод бухгалтериясидан истеъмолчиларнинг сифатга доир барча рекламациялари, жарималар тўланиши тўғрисидаги ҳужжатлар олинди.

Совутиш қурилмаларини тайёрлаш бўйича мутахассис билан маслаҳатлашувдан кейин техник экспертиза тайинланди ва ўтказилди. Уни ҳал этишга бутун бир қатор масалалар қўйилди, жумладан компрессорлар бузилишининг сабаблари ва бузилиш вақти, шунингдек талаб қилинадиган туз эритмаси бўлмаганда совутиш тизимлари ва компрессорлар ишлай олиш-олмаслиги кўриб чиқилди.

Эксперт ҳулосасидан маълум бўлишича, ёғ-пишлоқ заводида аммиакли совутиш қурилмаларини ўрнатиш ва хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг талаблари бажарилмаган. Ушбу қоидаларга кўра, концентрацияси 1,22 кг/л бўлган эритмада ишлаш зарур эди, бироқ 1,12 кг/л эритмада ишлаган. АВ-100 компрессори эса ўзининг техник маълумотларига кўра кўрсатилган эритма концентрациясида пишлоқ етилиши мақбул режимини таъминлай олмас эди. Бундай шароитларда завод маъмурияти пишлоқ ишлаб чиқаришни тўхтатиши керак эди.

Шу тариқа, завод раҳбариятининг ўз мажбуриятларига жиноий-совуқон муносабатда бўлганлиги исботланди. Улар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Уларга давлатга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этилди.

Тўғри, пишлоқ сифати маҳсулотларни кам солиш (оддий қилиб айтганда – ўғирлик) ҳисобига ёмонлашмаган эди. Шу сабабли завод раҳбарлари талон-торожа айбланмади ва ғаразғўйлик асослари истисно этилди.

Минск вилоятининг жиноий ишлар бўйича суд ҳайъати томонидан завод директори С., лаборатория мудираси (айни вақтда техник назорат бўлими бошлиғи) П. ва бош техник М. совуқонлик ҳамда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун ҳукм қилди. Суд судланувчиларнинг ҳаммаси илгари судланмаганлиги, болалари борлиги, жиноятни биринчи марта содир этганлиги ва ғаразғўйлик мақсадига эга бўлмаганлигини ҳисобга олди. Шу сабабли улар ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиндилар. Зарарни қисман қоплаш учун завод директори С. дан 6 000 сўм, лаборатория мудираси П. дан 5 000 сўм, бош механик М. дан – 3 000 сўм ундирилди.

Ҳозирги кунда ҳатто пишлоқ ҳидини ҳам бермайдиган, сарёғ сингари суриладиган, кўпинча гоятда тахир маза берадиган ва, умуман олганда, жуда ҳам бемаза бўлган турли хил пишлоқларни татиб кўриб, беихтиёр уларни тайёрлаш чоғида нафақат технология жараёнлар бузилиши, балки яхши мазали пишлоқнинг асоси бўлиши керак бўлган маҳсулотлардан фойдаланилмаслиги ҳусусидаги фикрга келамиз...

Ольга Маршанская.

Испускной-хушқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУШҚИ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

© 2006-2017 йилларда

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратова РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Мировод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-30
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Ҳар ҳафта – 186. Ҳар ҳафта – 2 босма табоқ, бахоси келишилган нарҳда.
Буюртма 1091. Адади 1 090. Газета 2017 йил 14 август соат 20.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«НОРМА» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Реklamани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муросат қилиш мумкин.